



БУЮРТМАЧИ:

«ХУДУДГАЗ АНДИЖОН» ГТФ

**Суюлтирилган газни вагон ва авто
цистерналардан қабул қилиш,
сифимлардан авто цистерналарга
тўлдириш (транзит), суюлтирилган
газни сақлаш ва маший газ
баллонларга тўлдириш
фаолият юзасидан маҳсус
гувохнома(лицензия)га эга бўлган
ташкилотлар ўртасида танлов эълон
қилиш.**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Андижон шаҳри -2022

Танлов хужжатларишинг мазмани:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Танлов охирги қиймати – 1 140 578 000 (бир миллиард бир юз криқ миллион беш юз етминш саккиз минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “ХУДУДГАЗ АНДИЖОН” газ таъминот филиали, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили, 170100 Узбекистон, Андижон вилояти Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 1 уй

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Худудгаз Андижон” ГТФ биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қўйилади:

тандов предмети қийматининг камида 20 фойзи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳукуқий лаёқат ва ваколатлар;

тандов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўгрисидаги маълумотлар;

тандов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжаланаётган ҳажми (50 фойздан кам бўлмаган холда);

Низом маблаги миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчилликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйиндаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тутатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, етказиб бериш график қисми (етказиб бериш) билан танишиб чикиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши хакида мурожаат килишга ҳаклидирлар.